

Фиқҳ дарслари (115-дарс). Таяммумнинг суннатлари ва макруҳлари



13:02 / 17.12.2020 4332

Таяммумнинг суннатлари:

1. Бошларда «Бисмиллаҳ»ни айтиш.
2. Икки қўлни ерга уриш.
3. Чанг кириши учун бармоқларнинг орасини кенг очиш.
4. Сўнг қўлларни бир-бирига уриб, чангини қоқиш.
5. Ўнг қўлни чап қўлнинг кафтига қўйиб, кафтдан бошлаб чиғаноққача қўлнинг устига масҳ тортиш, сўнг чиғаноқдан кафтга қараб қўлнинг пастига масҳ тортиш. Чап қўл учун ҳам шундай тартибда масҳ тортиш.

6. Тартиб билан қилиш.

7. Таяммумдаги амалларни кетма-кет, бир-бирига улаб қилиш.

Таяммумнинг макруҳлари:

1. Унинг суннатларидан бирортасини тарк қилиш.

2. Масҳни такрорлаш.

Таяммумни синдирадиган ва ботил қиладиган нарсалар:

1. Аввал ҳам айтилганидек, таҳоратни синдирадиган нарсаларнинг барчаси таяммумни ҳам синдиради.

Жунубликдан покланиш учун таяммум қилган бўлса-ю, кейин таҳорати кетса, кичик нопоклик етади.

2. Таяммум қилишга омил бўлган узрнинг завоқ бўлиши. Мисол учун, душманнинг қайтиб кетиши, беморнинг тузалиши, совуқнинг йўқолиши кабилар. Гарчи узрларнинг бири кетиб, бошқаси пайдо бўлса ҳам.

3. Сув кўриниб қолиши ёки уни ишлатишга имкон топилиши. Агар таяммум билан намоз ўқийдиган шахс сувни кўриб қолса, таяммуми синади.

Таҳорат қилиш учун сув, таяммум қилиш учун тупроқ ёки бошқа ер жинслари топа олмаган киши намозхонга ўхшаб рукуъ ва сажда қиладди, лекин ният ва қироат қилмайди. Сув ёки тупроққа қодир бўлганида намозни қайта ўқийди.

Икки қўл ва оёғи қирқилган кишининг юзида яраси бўлса, таҳорат ҳам, таяммум ҳам қилмай намоз ўқийверади.

«Кифоя» китобидан